

ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУЛари, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА АҲОЛИНИНГ ИШТИРОКИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Мамирзаев Жамшид Нортой ўғли
ИИВ Академияси 3 ўқув курси 311-гурух курсанти

Хуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан бораётган мустақил Ўзбекистонимизда жамоатчилик назоратини қучайтириш, ижтимоий соҳа ва давлат-хусусий шерикчилигини ривожлантириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ўрганлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан тўғридан-тўғри хамкорликни йўлга қўйиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Биз бугун демоқратик ўзгаришлар даврида яшамоқдамиз. Бу даврда мамлакатимизнинг сиёсий, ижтимоий жихатдан тарақкий эттиришда бевосита ва фаол иштирок этиш истагида бўлган фуқароларимизнинг салоҳияти тўла намоён бўлишини таминлашимиз лозим. Бу борада оммавиј аҳборот воситалари аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини хокимиёт идоралариiga етказишнинг муҳим ва тасирчан воситасига, халқнинг энг яқин кўмакчисига ва хамдардига, демоқратия кўзгусига айланиши лозим.

Мустақиллик туфайли фуқароларимизнинг онгида ватанпарварлик хиссини уйғотиш хамда мустахкамлаш, миллий истиқлол ғоясини тарғиб қилиш, диний мазҳабидан қатъий назар турли миллат ва элатларнинг тинч-тотув, ўзаро ахил яшашларини таминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда истиқомат қилаётган хар бир инсоннинг қалбига Ватан туйғусини сингдириш, бир неча минг йиллик моддий ва маънавий маданият масканларидан бири — Она Ўзбекистонимизнинг хақиқий жонқуяри бўлишга эришиш, мамлакатимизда хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, биринчи навбатда, бу борадаги профилактик ишларни ташкил этишда фуқаролик жамияти институтлари, оммавиј аҳборот воситалари ва ахоли билан яқин хамкорликда иш олиб бориш куннинг долзарб вазифаси саналади.

Хозирда мамлакатимиздаги давлат идоралари ва бошқа ташкилотлар хамда фуқаролик жамияти институтлари хисобланган турли хил нодавлат нотижорат ташкилотлари, бирлашмалар, муассасалар ва энг муҳими, ахоли, аксарият холларда хуқуқбузарликлар профилактикасини фақатгина хуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифаси сифатида баҳолаб, оқибатда ушбу фаолиятга лозим даражада эътибор қаратмаяптилар. Ваҳолангки ушбу субъектларнинг етарли даражада ташаббус кўрсатмаётганликлари, лозим даражадаги ўзаро хамкорликнинг мавжуд эмаслиги ва амалиётда йўлга қўйилмаганлиги, амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг ўзаро номутаносиблиги Хуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этишда фуқаролик жамияти институтлари, оммавиј аҳборот воситалари ва ахоли билан хамкорликни тубдан такомиллаштиришни талаб этади. Профилактика Инспекторлари хуқуқбузарликлар профилактикасини қонун ва қонуности хужжатларда берилган ваколатлардан келиб чиқиб соҳавий хизматлар имкониятларидан унумли фойдаланган холда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, хуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт- шароитларни аниқлаш, олдини олиш, бартараф этиш, фуқаролоарнинг хуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш,

ғайри ижтимоий хулқ атворга эга бўлган, хуқуқбузарлик содир этишга мойил хамда хуқуқбузарлик содир этган шахсларни аниқлаш профилактик таъсир кўрсатиш орқали уларнинг хулқ-атворини тузатиш, фуқароларни хуқуқбузарликларнинг тури, содир этиш усули ва воситалари, хавфли ва салбий оқибатлари хақида огохлантириш, хуқуқбузарликдан жабрланган ва жаболаниш эҳтимоли юқори бўлган шахсларни аниқлаш ва уларнинг хавфсизлигини таъйинлаш хуқуқбузарликдан жабрланган, ғайри ижтимоий хулқ атворга эга бўлган, хуқуқбузарлик содир этишга мойил хамда хуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг ижтимоий реабилитатсия қилиш ва ижтимоий мослаштиришида кенг кўламли ишлар олиб борадилар. Мазкур фаолиятни самарали ташкил этиш мақсадида Профилактика Инспекторлари бугунги кунда кенг жамоатчилик, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва ахоли билан яқиндан хамкорлик қилиши талаб этилади. Профилактика Инспекторлари Хуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этишда, маъмурий худудда шахс, жамият ва давлат манбаатларини ғайриқонуний тажовузлардан химоя қилиш, жамоат артибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таминлаш бўйича хизмат фаолиятини амалга оширишда қатор фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот аоситалари ва ахоли билан яқиндан хамкорлик қиласи.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруzasи.
2. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ахборот маркази 2021 йил ҳисоботлари.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 10 августдаги “Судтергов фаолиятида шахснинг хуқуқ ва эркинликларини химоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.